

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖОББОРОВ ФАРХОД БЎРИЕВИЧ

**ЎҚУВЧИЛАРДА КИМЁ ФАНИДАН ТАЯНЧ КЎНИКМАЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА АХБОРОТ МОДЕЛЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Жобборов Фарход Бўриевич

Ўқувчиларда кимё фанидан таянч кўникмаларни шакллантиришда ахборот моделларидан фойдаланиш методикаси..... 5

Джобборов Фарход Буриевич

Методика использования информационных моделей в формировании базовых умений у учащихся по предмету химии 21

Jobborov Farkhod Burievich

Methodology of using information models in the formation of basic skills of students in chemistry..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ.

List of published works..... 43

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖОББОРОВ ФАРХОД БӢРИЕВИЧ

**ЎҚУВЧИЛАРДА КИМӢ ФАНИДАН ТАЯНЧ КӢНИКМАЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА АХБОРОТ МОДЕЛЛАРИДАН
ФӢЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимӢ)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бӢйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.Phd/Ped1801 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турсунов Собир Турдиевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Турсунов Қаххор Шоназарович
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент
Эргашева Гулрухсор Сурхонидиновна
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 217-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56). e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ да тарқатилди
(2022 йил “___” _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Р.Д. Шодиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., профессор

И.Б. Камолов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.ф.д. (PhD), доцент

Ҳ.О. Жўраев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
п.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари асосида мактаб таълимининг мақсад ва вазифаларини замон талабига мослаштирган ҳолда такомиллаштирилган янги тарзда шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. Бундан назарда тутиладиган асосий мақсад – ўз муваффақияти ҳамда жамият муваффақияти учун масъулиятли ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ва қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришдир. Шу муносабат билан ўқитувчининг стратегик мақсади – таълим олувчилар компетентлигини шакллантириш, уларнинг шахсий сифатларини ривожлантирган ҳолда инсонга турли вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга ўргатишдан иборатдир.

Дунёда педагогикага оид илмий-амалий тадқиқотлар таҳлили моделлар, жумладан, ахборот моделларининг психологик-педагогик тадқиқотларда алоҳида аҳамият касб этиши ва у фундаментал йўналишдаги изланишлардан бири эканлигини кўрсатиб бермоқда. Ахборот моделлари таълим-тарбия жараёнида, унинг мақсад-мазмунини, тактика ва стратегиясига тааллуқли умумий тасаввурларни шакллантиришга кўмаклашади. Ҳозирги замон педагогикасида шахсни ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш, касбий фаолиятга мўлжални олиш юзасидан ғояларни атрофлича ўрганишга бўлган талаб пайдо бўлди.

Мамлакатимизда 2030 йилгача бўлган таълимнинг асосий йўналиши, шахсининг фаолиятли тавсифи, таълим мазмунини ўқув-билиш, коммуникатив, амалий, ижодий фаолиятга тегишли бўлган универсал билим, кўникма, малакаларни яхлит тизимини шакллантиришга йўналтиришдан иборатдир. Унда қайд этилишича, замонавий мактаб таълими принципи билимларни фундаменталлаштириш учун ўқув материалларини синчковлик билан танлаш ва уларни дунёқараш позициясидан умумлаштиришдир. Ўқув фанларидаги илмий билишнинг етакчи компонентида компетентли ёндашувнинг аҳамияти фаолият услублари компонентида нисбатан куйида жойлашади. Ушбу янги тизимли моҳиятга эришишда, ўқув натижалари адекват воситалардан фойдаланишни ўз ичига олади. Ушбу воситалардан бири сифатида, ахборот моделлари орқали ўқитиш тизими қаралиши мумкин. “Таълим муассасаларининг энг яхши амалиёти асосида ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида стратегик ва лойиҳа бошқаруви, менежмент, маркетинг бўйича илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил қилиш”¹ Ахборот моделлари, фанлар бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш амалиётида кенг тарқалган, чунки улар ўқув мазмунини элементлари ўртасидаги мунозарали жиддий муносабатларни шакллантириш ва умумлаштирилган ўқув воситаси ўртасидаги мунтазам равишда алоқа қилиш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ <https://www.lex.uz/docs/3564970> Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида ҳамда педагогик фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришга оид бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада таълимда янги методикаларни татбиқ этиш ва кимё фанини ўқитиш методикасига оид тадқиқотлар: Ҳ.Т.Омонов, Ш.М.Миркомиллов, Ш.А.Мамажанов, Г.А.Ихтиярова, А.М.Насимов, Н.С.Умиров ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Ҳамдўстлик давлатларида таълим жараёнида умумлашган кўникмаларни шакллантириш муаммолари А.А.Бобров, С.А.Витус, Н.Э. Кузнецова, Н.Ф. Тализина, А.Б. Усо, И.Якимман ва бошқалар томонидан қараб чиқилган. Кимё фанини ўқитиш соҳасида моделлардан фойдаланишга В.Н. Вивюрский, И.В. Герасимова, С.А. Герус, А.А. Журин, Н.Э. Кузнецова, М.С. Пакларнинг тадқиқот ишлари бағишланган. Бироқ олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, моделлардан ташқари ахборот моделларининг хусусиятлари ва умумлаштирилган кўникмаларини шакллантиришда ва ўқув натижаларининг янги сифатига эришиш учун муҳим шарт сифатида ҳисобга олинмайди.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқот ишимизнинг долзарблиги умумий кимёвий кўникмаларини шакллантиришда ахборот моделларини татбиқ этиш ва уларни методикасини такомиллаштириш зарурати билан шартланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт

институту илмий-тадқиқот ишлари режасининг АИФ-2/15 – “Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш” (2019-2020 йй.) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кимё фанини ўқитишда кимёвий ахборот моделларидан фойдаланиш методикаси асосида ўқувчиларнинг умумий таълим тайёргарлиги сифатини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Модель”, “Ахборот моделлари” тушунчаларининг мазмуни фалсафий, психологик-педагогик аспектларда очиб бериш;

ахборот моделларининг дидактик функциялари, таркибий-мазмуний жиҳатлари, уларнинг кимё таълимини амалга ошириш имкониятлари аниқлаш;

таркибий-мазмунли хусусиятларни, кимёвий моделларнинг дидактик функцияларини аниқлаш асосида кимё фанини ўқитишда ахборот моделларидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқиш;

ахборот моделларини конструкциялаш ва улар асосида ўқувчиларда кимё фанидан кўникмаларини шакллантириш бўйича ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш мазмунини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти кимё фанидан умумий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган таълим жараёнидир.

Тадқиқотнинг предмети кимё фанида ахборот моделларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларда умумий кўникмаларни шакллантиришнинг мазмуни, шакли, методи ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари психология-педагогика фанларига тегишли адабиётларни тадқиқот муаммоси нуқтаи назаридан ўрганиш ва таҳлил қилиш; кимё фанлари бўйича ўқув, ўқув-методик адабиётлар таҳлили; ўқувчилар фаолиятини кузатиш, педагог, ўқувчилардан сўровномалар ўтказиш, педагогик тажриба-синовларни амалга ошириш ҳамда унинг натижаларини математик-статистик методлар орқали таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда дидактик ахборот моделларининг белгили, вербал ва виртуал шаклларида фойдаланиш малакаларини когнитив, функционал ривожлантириш ҳамда амалий фаолиятда рефлексия қобилиятининг функционал компонентларини ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялаш орқали фалсафий, психологик ва педагогик аспектлар аниқлаштирилган;

кимё таълимининг ташкилий-функционал моделининг босқичлари, методлари ва воситалари каби компонентлари таълим шароитида муҳим бўлган ва ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятига алоқадор кимёвий бирикмалар таркиби, тузилиши ва хусусиятларининг ўзаро алоқадорлигини акс эттириш асосида такомиллаштирилган;

кимё фанининг умумий тушунчаларини ўқув ахборот моделлари кўринишига мазмуний, методик трансформация қилиш орқали ўқув курсининг мазмуни ва табиий фанлар билан интегративлигини назарий-методик таъминлаш ва

ўқувчиларнинг мустақил ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методикасининг таркибий-мазмунли хусусиятлари ҳамда кимёвий моделларнинг дидактик функциялари такомиллаштирилган;

ўқувчиларда кимё фанидан ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишнинг ахборот моделларини конструкциялашнинг моделлаштирувчи ва шакллантирувчи босқичлари асосида умумий кимёвий кўникмаларни шакллантиришнинг компонентли, интеграллашган, функционал даражалари аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлғуси ўқитувчилар учун кимё фанидан ахборот моделлари орқали ўқитишнинг такомиллаштирилган методикаси ишлаб чиқилган;

таклиф этилаётган кимё фанидан ўқитиш методикаси, бўлғуси ўқитувчиларни тайёрлашда илмий-методик нуқтаи назардан таъминлашни амалга ошириш учун асос яратади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таълим тараққиётининг замонавий анъаналарига жавоб берадиган илмий-назарий қонун-қоида ва принципларнинг асосли тарзда олинганлиги, танлаб олинган методларнинг илмий изланишларимиз мақсад ҳамда вазифаларига мувофиқ келиши, назарий ва эмпирик изланиш методларининг хилма-хиллиги, экспериментал маълумотларнинг ижобий натижалар билан таъминланганлиги, эксперимент ўтказилган таълим муассасалари маъмуриятининг ижобий баҳода тасдиқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий аҳамияти ахборот моделларидан фойдаланиш орқали кимё фанини ўқитиш методикасини ишлаб чиқишда ўқувчиларда умумлашган кўникмаларни шакллантириш, кимё фанидан умумий таълим тайёргарлик сифатини ошириш, мазкур кўникмаларни турли ўқув ҳолатларга тадбиқ этиш, ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини баҳоловчи мезонларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кимё фанини ўқитиш жараёнида ахборот моделларидан фойдаланишнинг блок-схема, график-шажаралари шаклини ўрганиш ва шу кабиларни татбиқ этиш ҳамда ишлаб чиқиш; ахборот моделларидан фойдаланиш кимё фанидан умумий кўникмаларни шакллантириш воситаси сифатида ўқув кимёвий масалаларни ўрганиш жараёнига тадбиқ этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўқувчиларда кимё фанидан таянч кўникмаларни шакллантиришда ахборот моделларидан фойдаланиш методикаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

кимёвий объект, жараён ва ҳодисалар ва хусусиятлардан касб-хунарга оид билимларни синтезлаш асосида кимё фанини ўрганиш жараёнида “Ахборот модел”лари тушунчасини амалий фаолиятга татбиқ этишга доир таклифлари АИФ-2/15 – “Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 15 октябрдаги 01/11-01/10-1481-сон –

маълумотномаси). Натижада мактаб ўқувчиларида “ахборот модел”лари тушунчасини кимё фанини ўрганишда самарали билимларга эришиш имконини берган;

ахборот таълим шароитида муҳим бўлган ва ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятига алоқадор кимёвий бирикмалар таркиби, тузилиши ва хусусиятларининг ўзаро алоқадорлигини акс эттиришга қаратилган ахборот моделига оид тавсиялари “Ўқувчиларда органик кимё фанидан таянч кўникмаларни шакллантиришда ахборот моделлардан фойдаланиш технологияси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-сон буйруғи, 500-090-сонли гувоҳномаси). Мазкур тавсиялар ўқувчиларда интеллектуал ва ахборот компетенцияларини ривожлантириш имконини берган;

кимё фанининг умумий тушунчалар таркибий-мантқиқий таҳлилини ўқув ахборот моделлари кўринишига трансформация қилиш орқали кимё курсининг мазмуни ва табиий фанлар билан интегративлигини таъминлаш ва ўқувчиларнинг мустақил ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда “Кимё фанидан электрон дарслик мобил илова” номли электрон қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 15 октябрдаги 01/11-01/10-1481-сон – маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда кимё фанидан таянч ва универсал кўникмаларини шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та хорижий, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 16 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 та хорижий журналларда 4 та республика журналларида чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти, предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Мактаб кимё таълимида модел ва кимё фанида ахборот моделларини тақдим этишнинг назарий асослари”**

деб номланиб, унда дастлаб модел ва кимё фанида ахборот моделлари тушунчалари мазмуни, уларнинг назарий аспекти очиб берилган. Турли фанларни ўқитишда моделларнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаштириш учун имкони борича уларнинг тўлиқ таснифи ва гносеологик функциясининг классификациясини келтириш, билиш назарияси нуқтаи назаридан “модел” тушунчасини аниқлаштириш лозим бўлади. Модел тушунчаси кенг маънода “ҳақиқатнинг у ёки бу қисмини соддалаштирилган, яъни схематик ёки идеаллаштирилган ва визуал шаклда такрорлайдиган ақлий ёки амалда яратилган тузилма” сифатида тушунилади. Тор маънода “модел” атамаси ҳодисаларнинг маълум бир соҳасини бошқа бир соҳаси ёрдамида, яъни янада чуқурроқ ўрганилган бир соҳа ёрдамида тасвирланганда, бошқача қилиб айтганда, тушунарсиз бўлганларни тушунарли бўлганлари билан алмаштиришда қўлланилади.

Педагогика учун “Модел” тушунчасининг мазмуни ва қўламини очиб берадиган барча таърифларда модел – ахборот бериш имкониятига эга эканлигини таъкидлаш муҳимдир. Умумий ҳолда моделлар ҳақида фикр юритилганида ахборот моделлари тушунилади.

Ахборот модели – объект, жараён, ҳодисаларнинг муҳим хусусиятлари ва ҳолатларини тавсифловчи маълумотлар тўпламидир, шунингдек, ташқи дунё билан муносабатларни англатади.

Ахборот модели – объект модели бўлиб, у ахборотлар кўринишида тақдим этилади. Ахборот моделларини сезиш мумкин эмас, улар моддийликни ўзида намоён этмайди, чунки улар фақат ахборот ёки маълумотлар асосида қурилади.

Ахборот моделлари дейилганда турли хил моделларни тушуниш мумкин. Белгили, вербал ва виртуал моделлар биргаликда ахборот моделини ташкил этади. Ахборот модели объект, жараён, ҳодиса хусусиятлари ва ҳолатларини, шунингдек уларни ўрганилаётган томонлари ва хусусиятларини танлаб олиш асосида ташқи дунё билан муносабатларини тавсифловчи ақлий ва экспериментал маълумотларнинг тўпламини соддалаштириш ёки мураккаблаштириш ёки уларни мавҳумлаштириш йўллари ўз ичига олади.

“Модел”, “ахборот модел”, “ўқув ахборот модели” тушунчаларини таҳлил қилиш натижасида кимё фанида ахборот моделларнинг тушунчасининг таърифи шакллантирилди. Кимё фанида ахборот моделларнинг маълум бир таълим шароитида муҳим бўлган ва ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятига киритилган кимёвий бирикмалар таркиби, тузилиши, хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини акс эттиришга қаратилган ахборот модел ҳисобланади.

Кимё фанида ахборот моделларини ўқувчиларга тушунтиришнинг методик хусусияти уларнинг интегративлигидадир: таълим жараёнида татбиқ этилиш хусусиятлари ва йўналишлари уларни таркибий қисмларининг хусусиятлари ҳамда таркибига боғлиқ ҳолда, уларни таркибий-мазмунли

амалга оширилган муносабатлар тизимидаги ушбу элементларнинг функция кўрсатиш даражасида аниқлаб олиш мумкин.

Инсон объектларни ўрганишда шакл, чизма ва тасвирларига мурожаат қилишга мажбур бўлади, чунки улар аналитик-синтетик ҳаракатларнинг массасини акс эттиради ва шу билан фикрлашни талаб этадиган муаммони ҳал қилишга ёрдам беради. Айни пайтда табиий фанларни, айниқса, кимё фанларини соддадан мураккабга қараб тушунтира олиш, ўқувчи тасаввурини бойитиш, моддаларнинг график, структуравий формулаларини чиза олишида Кимё фанида ахборот моделлар асосий ўрин эгаллайди.

Шубҳасиз, мактабда кимё фанини ахборот моделлар тизими кўринишида тақдим этилиши, асосий қонуниятлар ва уларнинг мантиқийлигига мувофиқ илмий-педагогик жиҳатдан қайта кўриб чиқилиши ўринлидир.

Кимё фанида ахборот моделларни таркибий-мазмуний хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш учун файласуфлар, психологлар, дидактлар томонидан тақдим этилган рамзий моделлар типологиясидаги ёндашувлар ўрганилади ва аниқланади. Кимё фанида ахборот моделларга эътибор қаратадиган бўлсак, улар қуйидагича тавсифланган: фақат боғланишлар кетма-кетлигини ифодалайдиган таркибий формулалар; молекулаларнинг фазовий тузилишини ифодаловчи таркибий формулалар; ассиметрик углерод атомлари яқинида алмашинувчиларнинг маълум бир тақсимланишини ифодалайдиган таркибий формулалар; кимёвий реакция схемалари реакцияларнинг таркибий формулалари.

Кимё фанида ахборот моделларга йўналтирилган графиклар шаклида ифодалаш доирасида, графикнинг ҳар бир учида билим тизимининг маълум бир таркибий элементи тушунилади ва унинг ҳар бир қирраси бу элементнинг бошқалар билан боғланиши бўлади.

Кимё мазмунининг ўзига хослиги ва хусусиятлари, миқдорлар – ҳисобладиган вазибалар учун, ҳаракатлар ва амаллар – ҳисобланмайдиган миқдорлар учун алоқаларни ўрнатишга имкон беради. Графиклар ёрдамида ҳисобланадиган ва ҳисоблаб бўлмайдиган тавсифдаги ўқув материали таркибий элементлари мазмунини ўрганиш ва улар билан боғлиқ бўлган ҳолатларни кўргазмали тавсифлаш мумкин экан.

Кимё фанида ахборот моделларни белгиларини қурилиши учун ўқув предметининг таркибий мазмуни – умумий дидактик тамойилларига мувофиқ танланади. Кимё фанида ахборот моделлар – ўқув материални таркибий-мазмуний тузилмасининг маҳсулидир. Кимё фанида ахборот моделлар таснифи – белгиларнинг синтактик, семантик-прагматик ёндашувларига асосланиши лозим. Энг кўп ишлатиладиган Кимё фанида ахборот моделларнинг белгиларини таснифланиш шакллари – умумлаштирувчи жадваллар, математик формулалардир. Кимё фанида ахборот моделларнинг йўналтирилган графиклар шаклида ифодаланиши умумий фаолият усулини шакллантиришга имкон беради.

Кимё фанида ахборот моделларни таснифлаш учун асослар моделларни кимё курсининг мазмуни ва ўзаро алоқаларини қайд этиш, ўқув-билиш

фаолият таркибига кириш қобилияти ҳамда моделларни ўқитиш методларини амалга оширишдаги аҳамияти билан белгиланади. Кимё фанида ахборот моделларнинг барча кўринишлари ўзаро бир-бири билан боғлиқдир.

Кимё фанида ахборот моделларининг таълимий функцияларини белгилаб, уларнинг кимё фанини ўқитишнинг дидактик тамойилларини амалга ошириш воситаси эканлигига тўхталадиган бўлсак, улар: кўрғазмалилик; тизимлилик ва кетма-кетлик; изчиллик; мустақамлик; илмийлик; назариянинг амалиёт билан боғлиқлигида тўлиқ намоён бўлади.

Кимё фанида ахборот моделлардан кимё фанини ўқитиш жараёнида фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, бир хил ахборот модел ўқув жараёни ҳолатига қараб турли хил дидактик функцияларни бажариши мумкин. Шу билан бирга, ҳар қандай ахборот модел деярли ҳеч қачон фақат битта дидактик функцияни бажармайди.


Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўқувчиларда кимё фанида ахборот моделлар ҳақида тушунча ва кўникмаларни шакллантириш методикаси”** деб номланиб, унда кимё фанида шакллантириладиган умумлаштирилган кўникмалар ва фойдаланиладиган методикалар модели ҳақида атрофлича фикр юритилган. Тадқиқот ишида умумлаштирилган кўникмалар, кўникманинг бир қисми сифатида ҳаракатларнинг ўзига хос хусусияти сифатида қаралади. Бу эса ҳар бир шаклланган кўникманинг умумлаштирилиши, қисқартирилиши ва ўзлаштирилиши мавжудлиги тўғрисидаги қоидага асосланади.

Кимё фани бўйича Давлат таълим стандартлари малака талабларида, хусусан, кўникмани шакллантиришга қўйиладиган талабларни асосийларидан бири – ион алмашилиш реакцияларининг тенгламаларини тузиш кўникмаси мисолида – “Электролитик диссоциация назарияси” мавзусида кўриб чиқилади. Малака талабларига мувофиқ умумлаштирилган кимёвий кўникмалар фақат махсус тайёргарлик даражасида шаклланади. Шу билан бирга, кимёвий кўникмаларни шакллантириш жараёнида ўқув ахборот моделларни кўп функцияли тарзда фойдаланиш кимё фанини ўқитишнинг яхлит жараёни давомида умумлаштирилган кўникмаларни шакллантиришга имкон беради.

Кимё фанида ахборот моделларини лойиҳалаштириш жараёнини ва ўқув кимёвий вазифалар тизимини, уларни умумлаштирилган кимёвий кўникмаларни шакллантириш учун ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятида фойдаланиш усулларини таъминлайдиган махсус методикани ишлаб чиқиш зарурлигини аниқлатади. Ахборот моделларни кимё бўйича умумлаштирилган кўникмаларни шакллантиришнинг кўп функционал воситаси сифатида ишлатиш методикасининг модели 1-расмда келтирилган.

Ишлаб чиқилган методика умумлаштирилган кимёвий кўникмаларнинг таркибий-мазмунли модели ахборот моделларни ривожлантириш учун асос бўлиб, уларни қўллаш босқичлари ва усулларини белгилаб беришига асосланади.

Кимё фанида ахборот моделларни лойиҳалаштиришни амалга ошириш, педагогик лойиҳалаш доирасида кўриб чиқилади. Бу эмпирик-интуитив, экспериментал-мантиқий ва илмий даражада амалга оширилган педагогик вазифанинг яхлит ечимини амалга ошириш ғоясининг мазмундор, ташкилий-услубий, моддий-техник ва ижтимоий-психологик лойиҳасини ўз ичига олади.



1-расм. Ахборот моделларидан кимё фанида фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш методикасининг модели.

Кимё фанида ахборот моделларни яратиш бўйича лойихалаш фаолияти натижаларини ўрганиш учун тизимли ёндашув қоидаларига асосланиб қуйидаги: чекли мақсад тамойили, бирлик тамойили, боғлиқлик тамойили, модулли қурилиш тамойили, функционаллик тамойили, ривожланиш тамойили, ноаниқлик тамойилларини қўллашимиз мумкин. Кимё фанини ўқитишга ахборот моделлар қанчалик самарали татбиқ этилса, унинг яхлитлиги ва тизимлаштирилиши шунчалик юқори бўлади.

Кимё фанида ахборот моделларини самарали татбиқ этилиши, унинг мўлжалланган ўқув жараёни шароитларига мос келишига боғлиқ. Ахборот модели тузилиши ва мазмунининг ўқув жараёни даражаси ва моҳиятига мувофиқлиги даражаси билан тавсифланади. Шу билан бирга, баъзи бир педагогик шароитларда муваффақиятли ишлайдиган ахборот модели бошқа шартларга ўтказилиши мумкин бўлган ҳолларда самарасиз бўлиши мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, ахборот моделларидан энг самарали фойдаланишга улар яратилган шароитлардагина эришилади. Ўқув жараёнидаги ахборот моделлар тизимининг самарали татбиқ этилиши улардан фойдаланишнинг ташкилий томони яратилган мақсадларга мувофиқлиги даражасига боғлиқ.

Тадқиқотимиз доирасида кимё фанида ахборот моделлари тушунчасини лойихалаш босқичларини қарайдиган бўлсак, улар: тушунчага таъриф бериш; аниқланган тушунчани топиш; аниқланаётган тушунчанинг энг яқин умумий тушунчаси; белгиланган ғоянинг ўзига хос хусусиятини ўрнатиш; ушбу тушунчанинг мазмунини очиб беришга мисоллар келтириш; таълим шароитида моделлаштириш учун зарур бўлган тушунчанинг таркибий элементларини ажратиш кўрсатиш; тушунчанинг белгиланган таркибий элементлари билан ҳаракатлар тўпламини очиб бериш; тушунчалардаги умумий белгиларни ажратиш кўрсатиш; ушбу белгилардан таркиб топган тушунча таърифининг мазмундор муқобилининг белгилар тизимини тузиш; ҳар хил турдаги ўқув топшириқларини бажаришда ахборот модели самарадорлигини текширишдан иборатдир.

Кимё билан боғлиқ умумлаштирилган кўникмаларни самарали шакллантириш қуйидаги вазифаларни: ҳаракатни кенгайтирилган ва минималлаштирилган ҳамда умумлаштирилган шаклда ўзлаштириш; умумлаштирилган кўникмаларни амалга ошириш доирасида фаолиятнинг тўғридан-тўғри ва акс тартибинини шакллантириш; стандарт ва ностандарт вазиятларда кўникмаларни амалга ошириш; кўникмаларни ички ва фанлараро фаолиятга ўтказишни ўзида намоён этади.

Умумлаштирилган кимёвий кўникмаларни шакллантириш бўйича ўқув кимёвий вазифалар тизимига ўзгартиришни талаб қилмайдиган стандарт вазиятларда ва шароитларни ўзгартиришни талаб қиладиган ностандарт вазиятларда кўникмаларни бажариш учун вазифалар ва шаклланган кўникмаларни амалга ошириш учун маълум фаолият услуби киритилиши керак деб ҳисоблаймиз. Бундай вазифаларнинг тўртта турини: биринчи тури – ўзгартиришни талаб қилмайдиган вазифалар; иккинчи тури – бажариш

шартларини ўзгартиришни талаб қиладиган вазифалар; учинчи тури – уларни амалга ошириш фаолият услубини ўзгартиришни талаб қиладиган вазифалар; тўртинчи тури – уларнинг бажарилиши ҳам шартларни, ҳам фаолият услубини ўзгартиришни талаб қиладиган вазифалар ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Ўқув материали мазмунининг ўзига хослиги ва ўқув-билиш фаолияти моҳиятига асосланган усуллар таснифи бир неча методларни ўз ичига олади: тушунтириш ва иллюстрация методи, репродуктив метод, муаммоларни баён қилиш методи, қисман изланиш ёки эвристик метод, тадқиқотчилик методи.

Ахборот моделлар умумий таълим универсал ҳаракатларининг махсус гуруҳини ташкил этади, ўқув материални ўзгартиришнинг ўзига хос усулларини таъминлайди ва қуйидаги функцияларни бажаради: кодлаш – маълумотларни узатиш ва қабул қилиш; схемалаштириш – ўқув материални намойиш қилиш функцияларини бажарадиган белгили-рамзий воситалардан фойдаланиш; моделлаштириш – белгили-рамзий воситалар билан ишлаш орқали объектнинг муҳим хусусиятларини ажратиб кўрсатиш ҳамда акс эттириш.

Мактабда ахборот моделларидан доимий равишда фойдаланилади. Ҳар бир фаннинг ўзига хос белги ва рамзлар тизими мавжуд. Кимё дарсларида ахборот моделларини ўргатиш ва ўқитиш ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этади, чунки ўқувчилар олдида мутлақо янги маълумотлар ва табиий тилга сингиб кетмаган янги аломатлар, яъни улар учун бегона бўлган расмий: вербал, виртуал ва белгили муҳитга дуч келадилар.

Кимё фанини ўрганиш жараёнида ўқувчилар қуйидаги ахборот моделларга дуч келишади: 1. Умумий мантиқий таркибнинг ахборотлари (маълумотни схема, жадвал, диаграмма ва бошқалар кўринишида тақдим этиш); 2. Кимёвий моделларни ифодалашнинг ўзига хос белгилари (кимёвий формулалар, молекулаларнинг текис ва ҳажмли моделлари, электрон булутлари ва шу кабилар).

Мавзу мазмунини акс эттирувчи иккинчи тўплам белгиларини кодлаш ва декодерлаш, айниқса, ўқувчилар учун қийин бўлади. Шунинг учун мавзунини ўзлаштиришнинг дастлабки босқичида аниқ белгили моделларни ўзлаштириш устувор аҳамиятга эга.

Диссертацион тадқиқот ишининг учинчи боби **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси”** деб номланган бўлиб, кимё фанида ахборот моделлардан фойдаланган ҳолда кимё фанидан кўникмаларни шакллантириш бўйича фаолиятни ташкил этишнинг асослари қуйидагиларни ўз ичига олади: ўқитишнинг педагогикага асосланган ва қабул қилинган умумий дидактик тамойиллари; умумлаштирилган кўникмаларни шакллантиришга умумий методик ёндашувлар; кимёдан умумлаштирилган кўникмаларни шакллантириш учун кимё фанида ахборот моделларнинг дидактик кўп функционал имкониятлари.

Мактаб ўқувчиларида умумлаштирилган кимё фанига доир кўникмаларни шакллантириш самарадорлиги ишлаб чиқилган Кимё фанида ахборот моделлар таъсирини баҳолаш учун танланган методика бўйича педагогик тажриба-синов иши ўтказилди.

Тажриба-синов ишида 8- ва 9-синф ўқувчилари иштирок этишди. Ҳар бир параллелда, бири тажриба синфи, иккинчиси эса назорат синфи ҳисобланади. Умумий кимё фанига доир кўникмаларни шакллантириш даражаси ва сифатини назорат қилиш ўқув курсининг ҳар бир мавзуси учун махсус ишлаб чиқилган топшириқлар ёрдамида баҳоланди.

Ҳар бир синфдан ўқувчилар тасодифий танланиб, назорат гуруҳи (НГ) ва тажриба гуруҳлари (ТГ) тузилди, натижалари эса статистик қайта ишланди.


Нazorat ва тажриба гуруҳларда ўқитишнинг фарқи шундаки, тажриба гуруҳи (ТГ)да умумлаштирилган кимёвий кўникмаларни мақсадга мувофиқ шакллантириш учун ишлаб чиқилган ахборот моделлар ишлатилиб, анъанавий воситалар (жадваллар, диаграммалар, моделлар) билан параллел равишда яққоллик воситаси сифатида қўлланилади. Мактаб ўқувчиларини назорат гуруҳи (НГ)да ўқитиш фақат мактаб кимё дарсликларида келтирилган анъанавий кўргазмали воситалар ёрдамида амалга оширилди.

Барча вилоят мактабларида ўтказилган тажриба-синов ишларида назорат ва тажриба гуруҳларидаги талабаларнинг барча кўрсаткичлар бўйича умумий натижалари қуйидагича бўлди: Тажриба гуруҳларида тажриба бошида 21,3% (84 нафар) талаба аъло баҳо олган бўлса, назорат гуруҳларида тажриба бошида 21,1% (83 нафар) талаба аъло баҳо олган, тажриба охирида тажриба гуруҳларида 34,9% (138 нафар) талаба аъло баҳо олди 13,6% га ортганлигини, назорат гуруҳларида эса 25,7% (101 нафар) талаба аъло баҳо олди, яъни 4,6% га ортганлигини кўришимиз мумкин; тажриба гуруҳларида тажриба бошида 30,1% (119 нафар) талаба яхши баҳо олган бўлса, назорат гуруҳларида тажриба бошида 29,5% (116 нафар) талаба яхши баҳо олган, тажриба охирида тажриба гуруҳларида 42,5% (168 нафар) талаба яхши баҳо олди ва 12,4% га ортганлигини, назорат гуруҳларида эса 36,4% (143 нафар) талаба яхши баҳо олиб 6,9% га ортганлигини кўришимиз мумкин; тажриба гуруҳларида тажриба бошида 42,0% (166 нафар) талаба қониқарли баҳо олган бўлса, назорат гуруҳларида тажриба бошида 43,0% (169 нафар) талаба қониқарли баҳо олган, тажриба охирида тажриба гуруҳларида 22,5% (89 нафар) талаба қониқарли баҳо олди 19,5% га камайганлигини, назорат гуруҳларида эса 34,1% (134 нафар) талаба қониқарли баҳо олди, яъни 8,9% га камайганлигини кўришимиз мумкин; тажриба гуруҳларида тажриба бошида 6,6% (26 нафар) талаба қониқарсиз баҳо олган бўлса, назорат гуруҳларида тажриба бошида 6,4% (25 нафар) талаба қониқарсиз баҳо олган, тажриба охирида тажриба гуруҳларида 0% талаба қониқарсиз баҳо олди 6,6% га камайганлигини, назорат гуруҳларида эса 3,8% (15 нафар) талаба қониқарсиз баҳо олди, яъни 2,6% га камайганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвалга қаранг).

Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятлари мактабларида ўтказилган тажриба-синов натижалари

Вилоят номи	Кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%	Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%
Вилоятлар мактаблари бўйича умумий натижалар	Аъло	84	21,3	138	34,9	83	21,1	101	25,7
	Яхши	119	30,1	168	42,5	116	29,5	143	36,4
	Қониқарли	166	42,0	89	22,5	169	43,0	134	34,1
	Қониқарсиз	26	6,6	0	0,0	25	6,4	15	3,8
Жами		395	100	395	100	393	100	393	100

Олинган сонли маълумотларни математик-статистик таҳлил қилишда Стюдентнинг танлама мезони, К.Пирсоннинг мувофиқлик критерийси, Лаплас функциясидан фойдаланилди.



2-расм. Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятлари мактабларида ўтказилган тажриба-синов натижалари диаграммаси

2-жадвал.

**Тажриба ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижалари
1 ва 2-танланмалар асосидаги вариацион ҷадвал:**

Тажриба гуруҳи	1-танланма					
	X_i	Юқори	Яхши	Ўрта	Паст	Жами
	n_i	138	168	89	0	$n=395$
Назорат гуруҳи	2-танланма					
	Y_j	Юқори	Яхши	Ўрта	Паст	Жами
	m_j	101	143	134	15	$m=393$

Ўзлаштириш даражасини қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned}\bar{X} &= \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 n_i X_i = \frac{1}{395} (138 \cdot 5 + 168 \cdot 4 + 89 \cdot 3 + 0 \cdot 2) = \\ &= \frac{1}{395} (690 + 672 + 267 + 0) = \frac{1629}{395} = 4,12 \approx 4,1.\end{aligned}$$

Ҳоизда $\bar{X}\% = \frac{4,12}{3} \cdot 100\% = 137\%$.

$$\begin{aligned}\bar{Y} &= \frac{1}{m} \sum_{j=1}^3 n_j Y_j = \frac{1}{393} (101 \cdot 5 + 143 \cdot 4 + 134 \cdot 3 + 15 \cdot 2) = \\ &= \frac{1}{393} (505 + 572 + 402 + 30) = \frac{1509}{393} = 3,83 \approx 3,8.\end{aligned}$$

Ҳоизда $\bar{Y}\% = \frac{3,83}{3} \cdot 100\% = 127\%$.

Таҷриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан кўрсаткичидан $(137 - 127) \cdot \% = 10\%$ га юқори экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{137\%}{127\%} = 1,07$ баробар ортиқлигини англатади.

Демак, таҷриба гуруҳида ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидагидан юқори экан: $\bar{X} > \bar{Y}$.

Билиш даражасини эса қуйидаги формула билан ҳисоблаймиз:

$$K_{\text{одб}} = (\bar{X} - \delta_n) - (\bar{Y} - \delta_m) = (4,1 - 0,18) - (3,8 - 0,22) = 3,92 - 3,58 = 0,34 > 0.$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони нолдан катталиги ($K_{\text{усб}} = 0,97 > 0$) ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катталигини ($K_{\text{одб}} = 0,34 > 0$) кўриш мумкин. Бундан маълумки, таҷриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагидан юқори экан.

Юқоридаги ҳисоблашлардан маълум бўлдики, ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катта экан. Бундан шуни айтиш мумкинки, таҷриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагидан юқори экан.

Ушбу ўзлаштириш кўрсаткичларини Ҳоизларда ҳисоблаймиз:

$$P = \frac{\bar{X}}{3} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{3} \cdot 100\% = 9,66 \approx 10\%.$$

Бундан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, таҷриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳиникига нисбатан $9,66 \approx 10\%$ га ошганлигини кўриш мумкин. Мактабларда ўтказилган таҷриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистик жиҳатдан исботланди.

Таҷриба-синов натижаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ишлаб чиқилган методика асосида шаклланган кимёвий кўникмаларни умумлаштирилган деб ҳисоблаш мумкин ва ўқув ахборот моделларидан фойдаланган ҳолда умумлаштирилган кўникмаларни шакллантириш методикаси самарали ҳисобланади.

ХУЛОСАЛАР

1. Турли муаллифларнинг позицияларини таҳлил қилиш асосида кимё фанини ўқитишда ахборот моделларидан фойдаланиш хусусиятлари очиб берилди, улар “Кимё фанида ахборот моделлари” тушунчасини шакллантиришда аксини топди. Кимё фанини ўқитишда ахборот моделларидан атрафлича фойдаланиш – кимё курсининг мазмуни билан ўқув-билиш фаолияти ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрнатишни назарда тутди; ўқувчининг мазкур фаолиятига қўшилиш; ўқитувчининг методик фаолиятга жалб қилиниши кимё фани бўйича умумий таълим сифатини яхшиланишини белгилайди.

2. Ўқув ахборот моделларининг кимё фанини ўқитишдаги дидактик вазифалари ҳамда фойдаланиш йўналишларини аниқлайдиган таркибий-мазмуний хусусиятлари очиб берилди. Таълимда Кимё фанида ахборот моделларидан умумлаштирилган кимёвий кўникмаларни шакллантиришда фойдаланиш – ўқув жараёнини ташкил этишнинг барча босқичларида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар тавсифини ўзгариб боришини кўрсатади.

3. Кимё фанидан кўникмаларнинг шакллантирилиши, умумлаштирилишига қаратилган кўп функцияли ўқитиш воситаси сифатида таълим жараёнида кимё фанида ахборот моделларидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган.

4. Умумий кўникмаларни шакллантириш учун кимё фанидан ўқув топшириқларининг турларини аниқлаш кимёдан умумлаштирилган кўникмаларни тизимли ва мантиқий таҳлил қилиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини кўрсатди, бу уларни ўқув ахборот моделлари кўринишида тақдим этишга ва уларнинг миқдорий ва таркибий хусусиятлари талқинини беришга имкон берди.

5. Кимё фанидан умумий кўникмаларни сифатли шакллантириш – тизимли ўқув масалаларининг ечимларини амалиётга йўналтирилганлиги, уларни стандарт ва ностандарт ҳолатларга ўтказишга қаратилган ҳолатлар ёрдамида эришилади.

6. Ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини аниқлаш учун мезонлар мажмуаси ўқув ахборот моделларидан ўқитиш воситаларининг бири сифатида фойдаланиш самарадорлиги каби кўрсаткичлар: қийинчилик даражалари турлича бўлган масалаларни ечиш; ўқувчиларнинг кимё фанидан шакллантирилган кўникмаларни турли хил ўқув вазиятларга ўтказа олиш қобилияти қабиларни ўз ичига олади.

7. Ўтказилган педагогик тажриба-синов иши қўйилган мақсад ва вазифалар тўғри ҳал этилганлигини тасдиқлади, диссертацион тадқиқот ишида қўйилган назарий ҳолатларни асослади. Таклиф қилинаётган методиканинг амалий таркибини тўлиқлигига, ўқувчиларнинг турли қийинчиликдаги масалаларни еча олиш қобилиятини стандарт ва ностандарт ҳолатларга ўтказа олишига ижобий таъсир этганини кўрсатди.

ТАВСИЯЛАР

1. Ўқув ахборот моделларидан фойдаланишнинг электрон вариантдаги компьютер моделлаштириш топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш;
2. Экспериментал кўникмаларни шакллантириш учун ўқув ахборот моделларини ва улар асосида топшириқлар тизимларини таклиф этиш;
3. Турли ихтисослаштирилган фанлар мазмуни учун ўқув ахборот моделларини ишлаб чиқиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02. ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЖОББОРОВ ФАРХОД БУРИЕВИЧ

**МЕТОДИКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ МОДЕЛЕЙ
В ФОРМИРОВАНИИ БАЗОВЫХ УМЕНИЙ У УЧАЩИХСЯ
ПО ПРЕДМЕТУ ХИМИИ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (химия)

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Карши – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.3.Phd/Ped1801.

Диссертация доктора Философии (PhD) выполнена в Каршинском государственном университете. Автореферат диссертации доступен на трёх языках (на узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета Каршинского государственного университета (www.qarshidu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Турсунов Собир Турдиевич доктор педагогических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Турсунов Каххор Шоназарович доктор педагогических наук (DSc), доцент Эргашева Гулрухсор Сурхонидиновна доктор педагогических наук (DSc), доцент
Ведущая организация:	Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 Каршинского государственного университета по присуждению ученых степеней (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабаг, 17. Тел. (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Каршинский государственный университет, факультет педагогики, 217-я аудитория.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (Зарегистрирована за номером ____). (Адрес: 180103, г. Карши, Кучабаг, 17, 15. Тел.: Тел. (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года
(Протокол реестра рассылки 2022 ____ от «__» _____ 2022 года)

Р.Д. Шодиев
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.п.н, профессор

И.Б. Камолов
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.п.н. (PhD), доцент

Х.О. Жураев
председатель Научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н. (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всём мире уделяется особое внимание усовершенствованному новому виду формирования целей и задач школьного образования, адаптированных к современным требованиям на основе тенденций социально-экономического развития. Его основная цель заключается в подготовке ответственных за свой собственный успех и успех общества молодёжи к самостоятельной жизни, а также формирование и развитие её способностей. В связи с этим стратегической целью педагога является формирование компетентности учащихся, научить человека успешно решать различные задачи с одновременным развитием их личностных качеств.

Обзор научно-практических исследований в области мировой педагогики показывает, что модели, в том числе информационные модели, имеют особое значение в психолого-педагогических исследованиях и являются одним из фундаментальных направлений исследований. Информационные модели помогают сформировать общие представления о цели, тактике и стратегии в образовательном процессе. В современной педагогике возникла потребность во всестороннем изучении представлений о развитии личности, подготовке кадров, определения целей в профессиональной деятельности.

Основным направлением образования до 2030 года в нашей стране является направленность на формирование целостной системы универсальных знаний, умений, компетенций, связанных с деятельностной характеристикой личности, учебным, коммуникативным, практическим, творческим содержанием образования. В нём отмечается, что принцип современного школьного образования заключается в тщательном подборе учебных материалов для закрепления знаний и их обобщения с мировоззренческой точки зрения. Значение компетентностного подхода в ведущем компоненте научного знания в учебных предметах расположен ниже компонента методов деятельности. В достижении этого нового системного содержания результаты обучения включают использование адекватных инструментов. В качестве одного из таких инструментов можно рассматривать систему обучения через информационные модели. «Организации исследований и разработок в области стратегического и проектного управления, менеджмента, маркетинга, обучения, переподготовки и повышения квалификации в области информационных технологий и коммуникаций на основе лучших практик учебных заведений»². Информационные модели широко распространены в практике формирования знаний и умений в области естественных наук, так как они позволяют формировать спорные серьезные отношения между элементами содержания обучения и постоянную связь между обобщенными средствами обучения.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан

² О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций

№ УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 от 20 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», № ПП-5313 от 25 января 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального, профессионального образования», № ПП-3151 от 27 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием», № ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», № ПП-4119 от 16 января 2019 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы контроля за качеством образования» и других нормативно-правовых актах, связанных с организацией и развитием педагогической деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социально-правовом, экономическом, культурном, духовно-образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Исследования по применению новых методик в образовании республики и по методикам преподавания предмета химии проведены учёными как: Х.Т.Омонов, Ш.М.Миркомиллов, Ш.А.Мамажанов, Г.А.Ихтиярова, А.М.Насимов, Н.С.Умиров и др.

Исследования, направленные на формирование обобщенных навыков в образовательном процессе в странах Содружества проводились такими учёными как А.А.Бобров, С.А.Витус, Н.Э.Кузнецова, Н.Ф.Талызина, А.Б.Усо, И.Якимман и др. Исследовательские работы учёных как В.Н.Вивюрский, И.В.Герасимова, С.А.Герус, А.А.Журин, Н.Э.Кузнецова, М.С.Пак посвящены использованию моделей в области обучения химии.

Однако проведенные исследования показывают, что помимо моделей, свойства информационных моделей не учитываются как важное условие при формировании обобщенных навыков и достижения нового качества результатов обучения.

